

2013-5

Дастлабки тергов ҳаракатлари тўлиқ ўтказилмаган иш бўйича чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши қўшимча тергов юртиш учун қайтарилди.

Жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар судининг 2013 йил 29 январдаги ҳукмига кўра, Б.,К. ва Қ. Жиноят кодексининг 25,169-моддаси 4-қисми "а" банди билан, ҳар бирлари Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилиб, ойлик иш ҳақларининг ўттиз фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 3 йилдан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланганлар.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди кассация инстанциясининг 2013 йил 18 апрелдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Б., К., ва Қ. қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбдор, деб топилганлар.

Б. ўзгалар мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2012 йил июнь ойининг бошларида Т.га Ховос туманидаги сувдан фойдаланиш уюшмаси ҳудудида жойлашган насос станцияси тасарруфидаги "ВТ-9" русумли, д-500 мм., узунлиги 4 метрдан бўлган "азбестоцемент" ер ости сув қувурларини сотишни ваъда қилиб, Т.га қувурлар жойлашган ҳудудни кўрсатган. Ўз навбатида, Т. А. бошқарувидаги "ЕК-20" русумли экскаватор ёрдамида 20 дона умумий қиймати 5.960.960 сўмлик қувурларни қазитганидан сўнг, Б.нинг хатти-ҳаракатларидан шубҳаланиб, қувурларни ташлаб кетгани сабабли Б. жиноий ҳаракатларини ўзига

боғлиқ бўлмаган ҳолатда охирига етказа олмай, жиноятга суиқасд қилган.

Шундан сўнг Б. ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2012 йил июнь ойининг бошларида К. ва Қ. билан олдиндан тил бириктириб, такроран ўзганинг мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, насос станцияси тасарруфидаги "ВТ-9" русумли, д-500 мм., узунлиги 4 метрдан бўлган 172 дона жуда кўп миқдордаги 51.264.308 сўмлик "азбестоцемент" ер ости сув қувурларини дастлабки терговда аниқлашни имкони бўлмаган экскаватор ёрдамида қазитиб, 2012 йил 16 июнь куни П.нинг бошқарувидаги "ЗИЛ-133 ГЯ" русумли автокран ёрдамида М.нинг бошқарувидаги "Камаз-5410" русумли юк автомашинасига юклаётган вақтда насос станциялари бошлиғи Ш. келиб қолганлиги сабабли, жиноий ҳаракатларини ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатда охирига етказа олмай, жиноятга суиқасд қилишган.

Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасида ҳамда Олий суд Пленумининг 1997 йил 2 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги қарорининг 3-бандида, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳолатларни аниқлаш чоралари кўрилиши лозимлиги;

қарорнинг 5-бандида, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстлар тўлдирилгандан кейингина ҳукм чиқарилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Жиноят-процессуал кодексининг 82-моддаси талабига мувофиқ, ишни айблов хулосаси билан судга юбориш ва айблов ҳукми

чиқариш учун жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори исботланган бўлиши керак.

Бироқ иш бўйича дастлабки тергов органи ва суд томонидан қайд этилган қонун талаби ҳамда Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Иш материалларига қараганда, насос станциялари бошқармаси бошлиғи Ш. 2012 йил 25 июнь куни ИИБ бошлиғига йўллаган 209-сонли хатида, Б., К., ва Қ. томонидан ер остидан қазиб чиқарилган темир-бетон қувурларнинг ҳар бир донасининг тахминий нархи 400-450 минг сўмни ташкил этишини билдирган бўлса, 2012 йил 15 сентябрь куни ИИБ ТБ бошлиғига йўллаган 320-сонли хатида, демонтаж қилинган қувурларни азбестоцемент деб кўрсатиб, ҳар бир донасининг нархи 298.048 сўмдан баҳоланиб, кирим қилинганлигини қайд этган.

Ховос туманидаги "А" номли ширкат хўжалигини фермер хўжалиги шаклида қайта ташкил этиш комиссиясининг 2004 йил 2 мартдаги 2-сонли баённомасининг 6-иловасига асосан 2004 йил 30 декабрда тузилган далолатномадан кўринишича, хўжалик балансидаги асосий воситалар, жумладан, 6,4 км 171.206 сўмлик ёпиқ трубопровод янги ташкил этилган СФУ балансига ўтказиб берилган.

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза Маркази Сирдарё вилоятлараро бўлинмасининг 2012 йил 11 сентябрдаги судга оид товаршунослик экспертизаси хулосасида, Россия Федерацияси интернет сайтларида таклиф этилаётган азбестоцемент ер ости сув қувурлари ҳамда қувурга мўлжалланган муфта резина ҳалқаларнинг Россия Федерациясидан Ўзбекистонга олиб келиш учун сарф этилган

ҳаражатлар инобатга олинган ҳолда, Б., К., ва Қ. томонидан ер остидан қазиб чиқарилиб, талон-торож қилишга суиқасд қилинган 172 дона азбестоцемент қувурлар ҳамда қувурга мўлжалланган муфта резина халқаларнинг бозор қиймати 51.264.308 сўм миқдорида белгиланган.

Дастлабки тергов органи қувурлар ва халқаларнинг нархи, ҳажми ҳамда қайси ташкилотга тегишлилиги хусусида тафовутлар мавжуд бўлган бир вазиятда, қувурлар фойдаланишга топширилган вақтда расмийлаштирилган дастлабки ҳужжатларни ишга қўшиб, қувурларнинг бугунги кунда айнан қайси ташкилотга тегишлилигини, йиллар давомидаги ўзгаришлар асосидаги охириги баланс қийматини аниқлаш, мавжуд қарама-қаршиликларни бартараф этиш чораларини кўрмай, товаршунослик экспертизасида кўрсатилган нархлар асосида Б., К., ва Қ.га Жиноят кодексининг 25,169-моддаси 4-қисми "а" банди билан айб эълон қилиб, барвақт хулосага келган.

Биринчи ва апелляция инстанциялари судлари эса, ушбу ҳолатни эътибордан четда қолдиришган.

Қолаверса, насос станциялари бошқармаси бошлиғи Ш. 2013 йил 12 сентябрь куни Олий судга қувурларнинг нархи хусусида (учинчи марта) тақдим этган 464-сонли маълумотномасида, бошқарма тасарруфидаги насос станцияси қурилишидан олдин 1982-1984 йилларда ишга туширилган темир-бетон ва азбестоцемент қувурларнинг хизмат муддати 30-35 йил бўлиб, д-500-1.200 мм бўлган жами 7.600 метр узунликдаги икки йўналишдаги қувурларнинг бугунги кундаги баланс қиймати 2.804.600 сўмни ташкил этишини кўрсатган.

Жиноят ишлари бўйича судлов хайъати суд мажлисида, Б., азбестоцемент қувурлар СФУ балансига олинганлиги ҳақида кўрсатма берган бўлса, насос станциялари бошқармаси бошлиғи Ш. қувурлар у раҳбарлик қилаётган бошқарма балансида турганлигини баён этган.

Бундан ташқари иш материалларида туман ҳокимининг 2012 йил 3 февралдаги 47-Ғ сонли фармойиши нусхаси мавжуд бўлиб, фармойишнинг 2-бандида, "Ф", "Ч" ва "М 5" СФУлар ҳудудларидаги диаметри 1200, 1000, 800, 600 ва 300 мм бўлган, ҳозирги кунда фойдаланилмай турган темир, темир-бетон ва азбестқувурларни вилоятдаги суғориладиган ерларнинг ҳолатини яхшилашга ишлатишга рухсат берилган. Бу вазифани бажариш учун пудратчи сифатида "Я" МЧЖ масъул этиб белгиланган.

К. дастлабки терговда, 2012 йил июнь ойининг бошларида Б. унга тумани ҳокимининг фармойиши нусхасини бериб, унинг фермер хўжалиги ҳудудидан ўтган азбестқувурлар Б. ишлаётган СФУ балансида туриши, қайд этилган фармойиш билан қувурларни бошқа эҳтиёжлар учун кўчириб ишлатишга рухсат берилганини айтгани сабабли Қ. билан биргаликда қувурларни ер остидан қазиб чиқаришгани ҳақида кўрсатма берган.

Б. дастлабки терговда, 2012 йил март ойида унинг олдида металл рангли "Nexia" русумли автомашинада 30-35 ёшлар чамасидаги, бўйи 170-175 см бўлган, ориқдан келган, буғдой рангли, ўзбек миллатига мансуб бир нотаниш шахс келиб, ўзини вилоят департаментида ишлайдиган "А." деб таништириб, СФУ ҳудудидаги фойдаланилмаётган азбест қувурларни олиб кетмоқчи эканини айтиб,

юқорида баён этилган фармойиш нусхасини ташлаб кетгани ҳақида кўрсатма берган.

Бироқ дастлабки тергов органи Б., К. ва Қ. томонидан қувурларнинг ер остидан қазиб чиқарилишига маълум маънода сабабчи бўлган туман ҳокимининг фармойиши нусхасини Б.га ташлаб кетган "А." исмли шахсни аниқлаш чораларини кўрмаган.

Фармойишда қайд этилган бошқа ҳудудларда қувурлар қазиб олинган- олинмаганлиги ҳолатларини текширмаган. Бошқа ҳудудларда қазиб олинган қувурларнинг нархлари Б., К., Қ. томонидан ўғрилашга сууиқасд қилинган қувурларнинг нархларини белгилашда аҳамиятга эга бўлишини эътибордан четда қолдирган.

Бундан ташқари Б. ҳамда Б.дан қувур сотиб олмоқчи бўлиб, 20 дона 5.960.960 сўмга баҳоланган қувурларни ер остидан қазиб чиқарганидан сўнг, Б.нинг ҳаракатларидан шубҳаланиб, қувурларни қазилган жойида ташлаб кетган Т.нинг дастлабки терговдаги кўрсатмаларидан маълум бўлишича, ушбу айб эпизодида К. ҳам иштирок этган. К.нинг ўзи буни инкор этмай, Б. унга тақдим этган туман ҳокимининг фармойишига асосан қувурларни ердан қазиб чиқарганидан сўнг Т. уларни олиб кетиш учун қайтиб келмаганини баён этган.

Шундай ҳолатда тергов органи К.нинг қайд этилган ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бермаган.

Жиноят-процессуал кодексининг 419-моддаси 1-қисми 1-бандида дастлабки тергов тўлиқ ўтказилмаган бўлиб, уни суд мажлисида тўлдириш мумкин бўлмаса, 3-бандида айбланувчи зиммасига илгари кўйилган айблов билан боғлиқ бошқа айбловни кўйиш учун ёхуд айбловнинг оғирроқ айблов билан ёки ҳақиқий аҳволга кўра айблов

хулосасида назарда тутилганидан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириш учун асослар мавжуд бўлса, суд жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтариши лозимлиги белгиланган.

Б., К., Қ. томонидан ер остидан қазиб чиқарилган қувурларнинг қайси ташкилотга тегишлилигини аниқлаш, қувурларнинг нархи хусусидаги тафовутларни бартараф этиб, қувурларнинг ҳақиқий баланс қийматидан келиб чиқиб Б., К., Қ.нинг ҳаракатларига, шунингдек, Т.га қувурларни сотишга суиқасд қилиш айб эпизоди бўйича К.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш, туман ҳокими томонидан чиқарилган фармойишнинг қонунийлиги, унда белгиланган ишларнинг бажарилганлиги, ушбу фармойиш нусхасини Б.га ким томонидан, нима мақсадда ташлаб кетилганлиги ҳолатларини текшириш ва натижаси юзасидан тегишли муносабат билдириш лозимлиги сабабли, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2013 йил 13 сентябрдаги ажрими билан Б., К. ва Қ.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси орқали қўшимча тергов юритиш учун қайтарилди.

ЖСХ-260-13 назорат иши